

ДИЛОРОМ ИСМОИЛОВА

**РАЙҲОН ИСЛИ
КУНЛАР**

Шеърлар

**Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005**

84(54)6-5 бадиий адабиёт
Шеърлар

*Истеъдодли шоира Дилором Исмоилова шеърлари худди булоқ тову-
шидай, нафис шивирлар, гўзал сирлари бор. Сеҳру синоати — шеърхонни
ўз оламига тортади, кўнгишларга ажиб бир шукӯҳ бахш этади.
Алалхусус, унинг янги мажмуаси ҳам ана шундай хусусиятларга эга.*

Ю 31917
0

10 00
1541
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MI

ISBN 5-633-61785-4

© Дилором Исмоилова. «Райҳон исми кунлар». «Янги аср авлоди», 2005 йил.

МЕҲР ГҮЛДАСТАСИ

Чашмаларни биқирлаб ётган муздай сувларини соғинсангиз — Дилоромнинг шеърларини ўқинг. Қаттиқ ердан қазлаб чиққан бойчечакнинг нафис гулбаргларида бир қатра офтоб шуъласини кўргангиз келса — унинг мисраларига назар ташланг. Уреутнинг донишманд кексадай эртак айтиб тунлари ухламайдиган чинорлари соясида дам олганмисиз? Бу салқин ва осуда чинорнинг шивирлаши борга ўхшайди Дилором битган содда, иссиқ мисраларда. Унинг шеърлари меҳрдан, соғинчдан, оддийгина майсалар суҳбатини тинглаб ҳайратланиш, завқ олишдан яралганга ўхшайди. Сўзларимга исингиз, деб штифот қилади у яқинларига.

Кузнинг тилло барглари, либослари, олов гиламлар солганини кўп шоирлар айтган. Дилором кузни зар кавушли малыкага ўхшатади. Куз офтобдай барқ уриб, жонланиб жонингизни иситади, ҳаётга муҳаббат уйғотади унинг сатрлари. Раиҳон ислари уфуриб туради унинг шеърларида.

Дилором кам ёзади. Лекин ёниб, оташ-алангага гарқ бўлиб ёзади. Мавзулари ҳам кенг эмас. Лекин унинг сатрларида одамга суянчиқ бўлиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ўзи топган завқдан, бахтдан ўзгаларни ҳам баҳраманд қилишдек олижаноб туйғулар ўқувчини ўзига дўст, сирдош этади. У онанинг ивжа нафасларини, унутилмас сиймоси, онадек буюк зот қўллари тафтини мисраларида излайди, тавоф қилади...

Дилоромнинг «Саодат» журнали ва «Гулчеҳралар» газетасида чоп этилган суҳбатларида ҳам инсоний меҳр, дилпазирлик ҳисси, дилга ором ва тугён солгувчи ҳаяжон сувратлари бор.

Унинг бу янги китобчаси ўзи севган мухлисларига ихлос, меҳр гулдастасидир.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

*Ушбу китобимни онажоним
Муҳаррамаой Иброҳим қизи
хотирасига бағишлайман*

ОЗОДЛИК

Кўксимни тўлдирган тоза ҳаводай,
Қулоғига сўқан қўшиқ, наводай,
Бағримга босганим малҳам, даводай,
Мен сени ўғлимдек қучгим келяпти,
Суйгим келяпти сени, Озодлик.

Бошимни кўтардинг мағрур, сарбаланд,
Сенга не қилолдим бўлиб бир фарзанд,
Тилимнинг учида тутайинми қанд?
Онам гарди пойин ўпганим каби,
Кўзга суртгим келди сени, Озодлик.

Сен туфайли топдим бобом хокини,
Аёл бўлиб кўрдим қадрим покини,
Юрагимдан ситиб армон чокини,
Қизимдай бошингни силагим келди,
Эркалагим келди сени, Озодлик.

Қон бўлиб сингидинг томирларимга,
Ўгли ғазал бўлдинг Бобурларимга,
Шеър ёзайин чиқиб ҳу қирларингга,
Илҳом парисидек мўътабар, шодлик,
Бир куйлагим келди сени, Озодлик!

МЕНИНГ БАХТИМ

Бу кун севинч гулзорига айланмоқда бу кузлар,
Орзуларга, ҳаяжонга тўлиб борар юрагим.
Хуш жилмайиб даврасига чорлар мени юлдузлар,
Англаб қолдим мукамалроқ Ватанимга керагим.

Осмон янглиғ тоза, юмшоқ қалбни армон ўртар дам,
Мен жонажон сўзим билан етиб бормоқ тиладим.
Армоним йўқ, эл қатори ҳалол хизмат қилолсам,
Унутмасам, унутмасам одамларга керагим.

ВАТАН

Сочларимни силаб ўтган бахт,
Ризқим каби қимматли маскан.
Дунёларга алишмаган Тахт,
Сен ўзингсан, ўзингсан, Ватан!

Эзгу савоб, тинчликка паноҳ,
Юрагимда гул очган чаман.
Мен сифинган ягона Аллоҳ,
Сен ўзингсан, ўзингсан, ВАТАН!

КЎЗЛАРИНГНИ ТИЛАБ

Шеърларимни тўлаб олардим,
Кўзларингни тилаб олардим.
Кўзинг савдосини
Қўйсанг бозорга.
Юрагимни тўлаб олардим,
Бўйларингни тилаб олардим,
Бўйинг савдосини
Қўйсанг бозорга.
Мен бир гадо бўлиб қолсам гар,
Одамлардан тиламасдим зар.
Кўзаларингни тилаб олардим,
Қиёсини сўраб қолардим.
Мен баҳорни сўраганим йўқ,
Сенсиз ёзнинг кераги ҳам йўқ.
Тилаганим ёлғиз кўзларинг,
Сўраганим ёлғиз бўйларинг.
Кўзаларингни тилаб олардим,
Бўйларингни тилаб олардим.
Тила тилагингни дунёда, десанг,
Сени ўзимники қилиб олардим.

ХУШХАБАР

Ёшларим гулларнинг баргига тушди,
Тунларим гўёки сочи узун қиз.
Совуқ-совуқ елар вужудим қучди,
Сиз нега келмайсиз, кўзлари юлдуз?

Ахир, ҳар тонг қуёш кафтлари билан
Бошингизни силаб кўндирмоқ бўлар.
Бор, дейди, келгингиз келади бирам,
Нечундир жисмингиз қолмоққа кўнар.

Ёшларим гулларнинг баргига тушди,
Аён бўлди сизни соғинганларим.
Неча бор хаёллар сиз томон учди,
Боғингизда гул-ла сирлашдилар жим.

Сиз нечун келмайсиз, келинчак баҳор,
Қишлоғимга кириб келганда яшнаб.
Мени эслатди-ку сизга у кўп бор,
Кула-кула ерга кўрпача ташлаб.

Кўзлари дийдордан сўйлайди маъсум,
Дарахтнинг шохига қўниб кабутар.
Қанотида маҳкам ушлаб турибди,
Албатта келади, деган хушхабар.

СУЙГАНИМ, СУЙДИРГАНИМ

Энди мени дечам кўрмассан,
Кипригимда шабнам кўрмассан,
Лек дунёни бекам кўрмассан,
Сенгина эй, кўзи куйдиргим.
Мен кетарман кўнглимга қайтиб,
Юзимдаги ёшларни артиб,
Ўзимдан кўп яшайди байгим,
Сенгинани кўзини куйлаб.
Кўксимдаги тошлар оғирмас,
Сен ҳам чексанг, залворлидир хас,
Озорларинг нега билинмас,
Сенгинани куйдиргилигим.
Кўзларимга қадалади чўғ,
Куйдиради мени чимилдиқ,
Кулим сочиб юборар бир уқ,
Сенгинани қаро кўзлигим.
Никоҳимиз ўқийди тупроқ,
Бундай бахтни кўрмаган деч вақт,
Шод кунимиз бўлади кўпроқ,
Бу оламда куйдиргилигим.
Ёлғиз келдим, ёлғиз кетарман,
Тупроқ бўлиб сенга ётарман.
Сени дуо қилиб ётарман,
Суйганим-а, куйдирганима.

ТОНГА ҚАСИДА

Тонг ёришди, нурли қайчиси,
Тун ишларин қирқиб ташлади,
Қорачадан келган ҚИЗ - БОРЛИҚ,
Қуешни кия бошлади.

Нур — теракнинг энгсиз кўйлаги,
Қутлуғ нурга меҳрим қорилди.
Севинчидан ғунчаларимнинг,
Юраклари боғда ёрилди.

Қоғозимда порлади Қуёш,
Тинч ураркан Ватан юраги,
Она юртга омонлик тилаб,
Оқарган бу тонглар тилаги.

САМАРҚАНД

Қизил атиргулга айлана қолгин,
Ҳидлайин димоғим кетгунча тўйиб.
Ўзингдек бир гулни кўрмадим ҳали,
Турибман мен сени юракдан суйиб.

Бир ҳовуч зилолга айлана қолгин,
Силқориб, васлингдан бўлай баҳраманд.
Мен сени шунчалар соғиниб қолдим,
Соғиниб кетдим-ку сени, Самарқанд.

ИЛОН ҚИЗ

Илондек аврадинг, тивмадинг,
Илондек чақмасдан кўймадинг.
Ёки сен қонимга тўймадинг,
Нега кетаяпсан, илон қиз?

Қаршимда илондек тўлғаниб,
Васлимга тўйсангни сен қониб.
Мен мағлуб, сен маккор, сен голиб,
Илон қиз, илон қиз, илон қиз.

ГУЛЛАР ШИВИРИ

Юрагимда гуллар шивирин,
Туйғум тонгни этади бедор.
Турфа ранглар бериб борлиққа,
Қаламимни синайди Баҳор.

Тайёрмисиз эрка ҳисларим,
Синовиға яшил кўкларнинг?
Булбул қилиб сайратмоқ керак,
Энди тилга кирган Қаламни.

Баҳор дилим қитиқлаб кулар,
Гулга безаб ернинг ҳар бурчин.
У ҳар йили ўзгача келар,
Қаламларни синамоқ учун.

ҚУЁШ ҚУЧАР ОНА ЗАМИННИ

Қуёш қучар она заминни,
Севинчидан тошар булоқлар.
Гулларини кўтарар баланд,
Тилла баргак тақиб япроқлар.

Дугонажон, ҳайрон бўлма сен,
Яшил ранглар кўриб кўзимда,
Баҳор, десам сўз эмас, ишон,
Гул отилиб чнқса бўғзимдан.

Ишон, яна дийдам тўлдириб,
Тирқираса севинч ёшлари,
Ахир она Ўзбекистонда
Баҳор гуллаш даврин бошлади.

БОҒ КЕЗАМАН

Боғ кезаман гуллар юзига
Табассумлар чиқади тошиб.
Фақат осмон кўксига булут,
Қайларгадир югурар шошиб.

Ногоҳ дод деб юборди чақмоқ
Ва ёрилди осмон юраги.
Суюнчига чопар бойчечак,
Сойларнинг оқ юзли малаги.

Баҳор — она, болалари кўп,
Шамол алла айтади гир-гир.
Ўт-ўлавлар устида йиғлар
Эрка фарзанд, йиғлоқ қиз ёмғир.

Ғужум-ғужум дарахтнинг
Япроқлари олтиндан.
Мезондан маржон таққан —
Куз дамлари — олтин дам.
Боғларга кийиб кирган,
Куз кавуши олтиндан.
Шамолда пирпираган,
Барглар гўё олтин шам.
Ғужум-ғужум дарахтнинг
Сояларида бирдам
Ўтириб тоқат қолмади,
Кўзларингда кўриб нам.
Сени соғиндим жуда,
Юрагимдаги санам.
Ғужум-ғужум дарахтнинг
Япроқлари олтиндан.

БАҲОРГА ЧИЗГИ

Кетаверсанг туннинг қўлидан ушлаб,
Булутлар тепангда сўйласа эртак.
Баҳорнинг келгани ёдингга тушиб,
Бўғзини га югуриб келади юрак.

Чиқолмайсан катта шаҳар бағридан,
Оёғингдан ушлаб қолади юмуш.
Сен олма оқизган ариқ лабидан,
Кўзасин кўтариб қайтади Кумуш.

Хайрлашмоқ бўлиб силкинган қўлдек
Япроқлар титраниб охир толади.
Сенга тизилишиб йўлнинг четига,
Дарахтлар қишлоққа кетиб боради.

ВИСОЛ ВА БАҲОР

Қиш сўнг бор зарларин сочди пойимга,
Сойларнинг шўхлиги ортди-ку чунон!
Қушлар айландилар эркатойимга,
Зарҳал ёғдуларга чўмилди жаҳон.

Новдаларга тушди навбаҳор ишқи,
Адирлар кўксида кулди бойчечак.
Бу ҳали кўкламнинг биринчи машқи,
Оламга тутилган биринчи чечак.

Дустларим, баҳорга этаман таъзим,
Илиқ қундузлар-ла кўришдик дийдор.
Дунёнинг чеҳраси қанчалар маъсум,
Қанчалар маъсум бу висол ва баҳор.

БАҲОР КЕЛДИ ЙЎҚЛАБ...

Гулнинг тугунига атирлар солиб,
Қўнғир ирмоқлардан мамзилим олиб,
Ариқларга завқи ситмасдан тошиб,
Баҳор келди йўқлаб, сиз келмадингиз.

Шошилиб тўкилди ёмғир йўлимга,
Кўк эгилиб лабин босди қўлимга,
Ўриклар гул сочди ўнгу сўлимга,
Баҳор келди, аммо сиз келмадингиз.

Қуёш ловуллайди, юзимдек ёнар,
Интиқ нигоҳларим севгидан тонар,
Яна баҳор мени бағрига олар,
ДИЛ баҳор қўлида, сиз келмадингиз.

ҚИЗҒАЛДОҚҚИНАМ

Йўлнинг ёқасида бўйингни кўриб,
Севинчдан йиғладим, севинчдан кулиб.
Кўзим қароғида турарсан тўлиб,
Унишинг муборақ, қизғалдоққинам.

Нозик қаддинг силаб ўтади шамол,
Ол юзингдан бориб ўпади хаёл,
Уялдинг, ер чизиб бердингми савол,
Ё мендек севадингми, қизғалдоққинам?

Гарчи юртинг дашту далалар эди,
Бетон қалб кўксингни яралар энди,
Журъатингдан кўзга муждалар инди,
Туришинг муборақ, қизғалдоққинам.

Бир чақин умридан дароз умринг бор,
Қувончдан бўйимга тақиб қўй тумор,
Асрайин то яна келгунча баҳор,
Бўйингдан айланай, қирмизи яноқ,
Шамолда тебраниб турар қизғалдоқ.

УМИДВОРЛИК

Елларда гуноҳ йўқ, гуноҳсиз еллар
Қайтади бир куни остона ҳатлаб.
Оташин кўксимга бардошни босиб,
Қўйибман-ку соғинч хатларин тахлаб.

Мана бу мактублар кўзларимники,
Бунисин юракдан ҳар кун келган хат.
Шамолим, сен уни сочиб ташлагин
Мактубга кутганинг келади деб айт.

Элчим, ўйларимдан бўлдингми қувғин,
Нега дарахт тилин туфлаб ташлади.
Қуёш гўё шамол кўтарган хазон,
Секин-секин ерга туша бошлади.

Кўзларим тикилар йўлга умидвор,
Пайт келиб дийдамдан тўкилар бахтлар.
Елларда гуноҳ йўқ, улар бир куни
Қайтади уйимга остона ҳатлаб.

НЕГА КУЙЛАМАЙ

Юрак номли улкан кенгликда
Қўшиғи бўғзига сиғмаган қизман.
Ватан, томирларинг бўртиб кўзимда
Сени маҳкам кучиб ётган илдирман.

Кўксимда жаранглар бир алвон қўшиқ,
Куртакнинг сўзлашга очилди лаби,
Мен нечун куйламай, куйламай нега,
Баҳор ҳофиз қилиб қўйганда мани.

ЁРУҒ КУННИ КУТИБ...

Ёруғ кунни кутиб чарчаганимда,
Маҳзун ўйларимни чирмаб танимда.
Икки йўл бўйида судралганимда,
Негадир қўмсадим сени, Зубайда.
Оқ булутни ичиб маст бўлар само,
Ўрик гулин сочиб ўйнайди сабо,
Гўё яшил ўтлар устида санго
Битилган мактублар қолиб кетади,
Кўксимга ул жоним қайтавермайди,
Шеърят руҳимга тинчлик бермайди,
Қайда юрар оёқ ўзи билмайди,
Оловга қоришиб кетдим, Зубайда.
Самарқанд. Шоирлар боғига келгин,
Оқ дедим, оҳларим тоғига келгин,
Қароқларим — соғинч чоҳига келгин,
Мен сени баҳордай соғиндим мано.

БИР ҚИЗ КЕЛАЯПТИ

Йўллارни хазонга кўмиб ташлаган
Кўз бағридан чиқиб келяпти бир қиз.
Бошига ёмғирлар ёққан бу қизнинг
Ёш эмас, кўзидан тўкилар юлдуз.

Барибир Она-да табиат,
Дарахтлар йиғлади сочини юлиб.
Бардош беролмайин дардига, инграр
Тераклар ҳавога бошини уриб.

Бир қиз келяпти боғлардан чиқиб,
Наҳот танимадинг сен уни, Кузак?
Тош бошига қорлар ёғади энди.
Исми баҳор эди, исмидай гўзал
Бир қиз келяпти боғлардан чиқиб.

КУЗАК ОҲАНГИДА...

Йиғлагим келади боғларга қараб,
Япроқлар яшашни истайди ҳали.
Кетди дарахтларни кўз яланғочлаб,
Унга қўшиқ айтиш келибди гали.

Ареқлар жимгина куйлай бошлади,
Кузак оҳангига жўр бўлди еллар.
Қизғин рўмолини сувга ташлади
Ўксиган қиз каби хўрсиниб гуллар.

Пойинга тўкилган гир-гир айланиб,
Ним яшил япроққа нигоҳинг қарат.
Яшаш истаб хазон бўлганлар ҳалини
Ёдимга солмасин нечун бу ҳолат?!

ШАМОЛ ГҮЁ

Шамол гүё озода бир қиз,
Хазонларни кетар супуриб.
Уқувсиз-у, бироқ меҳрибон,
Сочинг силар қолсанг ўй суриб.

Энгашмайди, чопса тик чопар,
Лабларига бармоғин босиб.
Агар ўлса мардларча ўлар
Теракларга ўзини осиб.

АЙРИЛИҚ ЎТКИР ТИҒ...

Айрилиқ ўткир тиғ кўзга қадалар,
Кўзларим тик боқар, кўзларим ботир.
Эшитилар боғдан сирли шарпалар,
Ортимдан сўз қотиб эргашар кимдир.

Тоқат юрагимга сизмай қолади
Ва лекин умидни этолмайман тарк.
Қайрилиб қарайман, бу сенми десам,
Ненидир пичирлаб келаяпти барг.

* * *

Узун йўл, дарахтлар — олтин соч аёл,
Шамолда сочлари кетмоқда тўзиб.
Еллар тароғига тутаркан кокил,
Кексайиб қолганин билмайди ўзи.

Шовуллаб турмоққа йўқ энди қувват,
Тўкилган сочларга қараб пичирлар.
Бир-бирин гапларини маъқуллар аста
Боғларда мункайиб қолган кампирлар.

* * *

Қза

Сиздан ўрганайми, сабр-бардошни,
Сизга қараб туриб кўтарайми қад.
Ниҳоллар сурарми гуллаши учун,
Баланд дарахтлардан изи, ижозат.

Тилимни босайми топшлар остига
Очсам юрагимни тингларми осмон.
Нечун бизга яшаш бунчалар қийин,
Нега бошқаларга кун кўриш осон.

Ёзиғимиз қонаб турганими дил,
Ёпишиб олади узганинг дарди.
Мен очмоқчи бўлган дашту саҳродай
Шунчалар очиқми ўзбекнинг қалби.

Олиб қирайинми шу кенгликларга,
Озодлик сўзини баланд кўтариб.
Опа, мен кетяшман кенгликлар томон,
Уларда мен каби бўлмайди тартиб.

* * *

Ишимни тугатдим охиригача,
Кетмасам бўлмайди энди бу ердан.
Чарчаган бир мейми, ёинки барча,
Йиқилиб кетаман сал эсган елдан.

Айқаш-уйқашмиди ер билан осмон,
Азалдан тормиди дунё ёки кенг.
Қайсиси ҳақиқат, қай бири ёлғон,
Тўғриси ажрата олмаёпман мен.

Қанчалар бўлмасин ҳаволар биллур,
Ювсам кетармикан юрагим доғи.
Айтолмадим зарур гапини барибир,
Қиладиган ишим қолмади чоғи.
Кетмасам бўлмайди...

ЮРАГИМ – ДУТОР

Овсэсиз йиғлайди бу тошлар,
Индамай тош отар бу тошлар.
Юрагини тош қилган бу тошлар
Юрагини доғ қилган бу тошлар.
Йўлларда думалаб ётади,
Кераксиз, юраксиз бу тошлар
Оёғини қонатиб юборса агар,
Сирларимни сотиб юборса агар,
Ҳеч хафа бўлмайман, оҳиста дейман:
Мени соғинибди зериккан тошлар.
Кераксиз, юраксиз бу тошлар,
Юрагимни тиндалай бошлар.
У ҳам ўзимиздек, бир ўзбекча бор,
Баъзан бошчасига дўнни келар тор.
Юрагимни чалинг, юрагим — дутор,
Қўлингиз қонашдан қўрқмасангиз гар.
Тинмай чалаверянг, тинмай чалингиз
Юрагимга етса, агар қўлингиз.

ФАСЛИ БАҲОР...

Фасли баҳор, зангори осмон
Бошим узра бепоён денгиз.
Кўзларимнинг қирғоқларида
Соғинчларинг қолдиради из.

Бу гулларининг исми гузаллик,
Шудринг ичган қуёш вафодор.
Қабринг қучиб гулга ўраган
Куклам бахтли, куклам бахтиёр.

Мажнунтолнинг сочларин силаб,
Чиқиб кетар тоғларга сабо.
Бу интизор кўзимдан бесас
Қуйиларкан мунгли бир наво.

Ҳар ниҳолга меҳрини қўйиб,
Қуйлаётир навбаҳор яна.
Ёдга тушдинг менинг орттирган
Ёлғизгина армоним ОНА.

Фасли баҳор, зангори осмон,
Бошим узра бепоён денгиз.

СОҒИНЧ

Ҳовлимиз этагида ертоклар бор. Ҳар кеч уй юмушларини тиндириб, унинг бўртган, йўғон новдасига ўтириб юлдузларга термуламан. Улар бошим узра сочилиб ётган атиргул косаларига ўхшайди. Очилган, яшноқ. Ой уйқуси келган, ҳомуза тортаётган одамдек оғзини очиб-очиб сузади. Хаёлларим эсаётган шамолдек беқарор. Гоҳ осмонга кўчади, гоҳ сизга. Меҳрибоним онажон, дейман юлдузларга қараб. Худди улар менинг онамдек. Чуқур-чуқур нафас олиб шамолларни ҳидлайман. Аслида сизнинг ҳидингизни излайман. Шунда беихтиёр Муҳаббат холам берган чойнак ёдымга тушади. Уни мендан кўз бўлсин, деб берувдилар. Холамини кўргим келса чойнакни ушлаб, силаб қўяман. Унга чой дамлаб ичаман. Онажон, сиздан менга кўз бўлиб нима қолдйкин? Сарғайган, сивган сувратингизми? Ё менинг ўзимми?

Онажон, дейман осмонга қараб. Худди осмон менинг онамдек. Ё одам онасини соғинса, кўргисен келса ҳамма нарса онаси бўлиб кўринаверармикан?

Онажон, кеча дилим қаттиқ оғриди. Кимданлигини айтолмайман. Арводлар ҳамма нарсани билади. Ҳамма нарсадан хабардор бўлади дейишади. Унда нимадан ранжиганимни яхши билсангиз керак-а? Кўзларимни тўлдириб ёш келди. Бу соғинч ёшларими, озор ёшларими ўзим ҳам билмайман. Шунда эсимга қайсидир хонанданинг. Она тирик эшикка, гурбат яқин йўлолмас, — деган қўшиғи келади. Сиз йўқлигингиз учун гурбатнинг уйимга киришга ҳадди сиққандир балки.

Элас-элас эслайман. Эгнингизда катта-катта қалампир гулли кўйлагингиз бўларди. Балки бошқа кўйлаги ўзи бўлмагандир, деб ўйлайман ҳозир. Ўша кўйлакни кийиб деразага, ундан кўчага қараб ётардингиз. Ахир олти йил тўшакда ётишинг ўзи бўлмайди-ку. Зерикардингиз. Ёз кунлари, иссиқда қўлингиздаги узун таёқ билан деразани итариб очардингиз. Унинг тутқичига ингичка арқон боғлаб бергандик. Ёлпингиз келса уни тортардингиз. Мени, момош қизим, деб эркалаганларингиз ҳамон қулоғимда. Овозингиз шу қадар майин эди-ки, ипакка ўхшарди. Мен бугун шу овозни шунчалик соғинганманки. Уни бир бор эшитиш учун жонимни беришга тайёрман.

Бир куни ўша тоқ зангида сизни ўйлаб ўтирсам, кўзимга кўрингандек бўлдингиз. Ҳовли бурчагида оппоқ либосда турардингиз. Юз-кўзларингиз аниқ кўринмасди. Мен томонга бирпас қараб турдингиз-да ғойиб бўлдингиз. Қасда кетдингиз, билмадим. Балки осмонга чиқиб кетгандирсиз. Шу сабабли сизни соғинсам кўпроқ осмонга қарайман.

Онажон, онажонгинам. Ўзим она бўлиб, она қадрини ҳис этганимда сизни бир бора кўрсайдим. Армоним йўқ эди. Юзингизни атиргуллардан излайми? Ҳидингизни райҳонлардан тошаманми? Изингиз қолган кўчалар гардини кўзимга суртсам соғинчим тафти босилармикан? Дарвоқе, кеча қишлоғимга бордим. Биз қачонлардир яшаган уй ёнидан ўтдим. Ўтдим эмас, ўша эшик зулфинлари, дераза рахларига термулиб-термулиб турдим. Охири бўлмади. Эшик ҳалқасини қоқдим. Қуралай кўзли қиз чикди. Ҳовлингизга шундоқ, бир мўраласам майлими, дедим. Саволимдан ҳайрон бўлганлиги кўриниб турарди. Мен унга бу ҳовли илгари бизники бўлгани, кейин кўчиб кетганимизни айтдим. Қизча мени уй текширувчилардан деб ўйлаган экан. Ҳовлига кирдим. Ўша йўлак. Ўша водопровод. Ўша айвон. Мен кўпинча шу айвон тагига, аниқроғи пол билан ер орасидаги жойга беркинардим. Токи ўзим чиқмагунча, бу ердан менни ҳеч ким чиқара олмасди. Ҳаммом деворига ўтири олиб мактабимизга қатнайдиган қўшни қишлоқ болаларига тош отиб қочганимда ҳам шу жойга беркинардим. То тушга қадар деворга тош, кесак йиғардим. Бир қисми майкам ичида, липпамда бўларди. Уларни дарчадан ўтайдиган болаларга отардим. Тўғри-да. Нега бизнинг мактабга келади, ўзининг қишлоғида мактаб йўқми? Шунда ҳалиги болалар «қуролми» қолмагач мени қувиб уйгача келишарди. Дарвозадан келасолиб ўша жойга ўзимни урардим. Ҳеч ким тополмасди. Очиқ дераза ёнида устемдан сизга шикоят қила-қила қайтиб кетишарди. Ҳар куни аҳвол шу эди. Мен шўхлик қилаверардим, қилаверардим. Энди билсам сизнинг ётишингиз бир азоб бўлса, менинг озорларим бир томон бўлган экан.

Оважон, сиз осмонда бўлсангиз менинг ҳам осмонга кетгим келади. Ёнингизда бўлсам бас. Юрагим соғинчдан ёмғирларда қолган кузги япроқдек илвирган. Йиртилган қуроққа ўхшайди. Мен уни йиллар армони, соғинчи, севинчи билан қурагандим. Энди у йиртилиб кетаяпти. Назаримда, юкини кўтара олмаётгандек. Мен ҳамон шу қуроқда сизнинг азиз хотирангиз, соғинчин-

гиз, исмингизни кутариб юрибман. Бу қуроқда Муҳаррам деган
ёзув бор. Кўзёшларим, юрагим, меҳрим бўёғи билан ёзилган ёзув.
У ҳеч қачон ўчмайди. Худди бошим узра ёниб, сочилиб турган
юлдузлардек.

*Хаёл кипригимда қурди ошиён,
Кўзёш қайиқчаси сузар сиз томон.
Меҳрингиз дилимда қалқиган замон,
Берган кўзларингиз билан бегумон,
Кўрдим, кўраянман Сизни, Онажон.
Ва саччиб тураман ўрнимдан шу зум,
Юзу кўзингиздан ёғар табассум.
Яшнатар дилимни висол – гул мавсум,
Қучдим, қучаянман Сизни, Онажон!
Бахтли чайқалганда бағрингизда бош,
Хаёл зачасига ногоҳ тегди тош.
Кўзларимдан беҳос сачраб кетди ёш,
Тиздим, тизаянман қогозга маржон.*

МЕҲР ИСЁНИ

(Туржум)

Меҳр исён кўтарди, Она
Сўраб қолди сени юрагим.
Тилаб қолди сени юрагим,
Меҳр исён кўтарди, Она.

Кел, кўксингни очгил, меҳрибон,
Димоқ тўйсин бағринг ҳидига.
Фамлар қўйсин бағринг ҳидидан,
Кел, кўксингни очгил, меҳрибон.

Гўдакликни бергил бир нафас,
Қалбим кетсин бахтга кўмилиб.
Дийдор номли нурга чўмилиб,
Гўдакликни бергил бир нафас.

Йўқса, кўзлар, шу қаро кўзлар,
Армонларни қучиб яшайди.
Меҳр дядда исён бошлайди,
Гирён кўзим бир сени излар.

Меҳр исён кўтарди, Она!
Сўраб қолди сени юрагим...

СИЗНИ СОҒИНГАНДА

Куз келмоқда, кузак келмоқда,
Эшигимни қоқиб бетиним.
Юрагимни соғинч тилмоқда,
Кўзларимга ёш келар лим-лим.
Совуқ елнинг совуқ кафтида
Шалдирайди сарғайган барглар.
Дарахларнинг бўйига боқиб,
Янгиланар қалбадаги дардлар.
Бу бепоён табаррук ерда,
Ҳар нарсанинг бор экан чеки.
Гуссалардан ҳам бўлар бошим,
Сен қолдирган ғамларни чекиб.
Денгизларнинг қирғоғи бордир,
Осмони бор, кўнгли тўқ экан.
Лек дунёда, азиз Отажон,
Соғинчларнинг чеки йўқ экан.

Куз ўтмоқда...

ҚИШЛОҒИМГА

Қишлоқ, кўзларим-чун битмас қувончсан,
Адирларинг яшил, далавг ям-яшил.
Зангори осмонинг бағри кенг одам,
Боғларинг меваси етилган ҳил-ҳил.

Бор саҳийлик билан уммон меҳрингни
Қучоғингга чорлаб йўлга тўшайсан.
Ўта меҳрибонлик хислатинг билан
Сен менинг онамга жуда ўхшайсан.

ТУГАМАГАН ҚЎШИҚ

Эшитдим, райҳонни севар эмишсан,
Баҳорда таяларга бахш эттиси жон.
Соғиниб қошингга гул келтирибман,
Райҳоним кўлимда ўзимдек гирён.

Энди сен ҳам кулиб кўтарсанг-чи бош,
Райҳон исли кунлар келди, ОНАЖОН!..

САБРИМНИНГ КОСАСИ...

Юракни тишлайди азоблар,
Сўроқлар дилимни қақшатар.
Мен сизни соғиндим, ОНАЖОН!
Соғинчям ёшлари шашқатор.

Сабримнинг косаси тўлиб, бор -
Бардошлар кетдилар тўкилиб.
Соғинчга суяниб қоламан,
Йиғлайман соғинчга осилиб.

АРМОН

Қандай саз, бошланди бағи каникул,
Чаманлар кўксидан гуллар терамиз.
Ота деди: қизим, тамакини қил,
Бир кунни шаҳарга бориб келамиз.

Олам унга янги кун этса тортиқ,
Ингичка билагини кетмон тутлади.
Қачон тугай қолар биринчи чопиқ,
У ҳар кун орзиқиб шуни кутади.

Тамаки баргидек бир текис бўлиб,
Кунлар тизилади йилнинг бағрига.
Саратон тафтига ўзини кўмиб,
Кунлар учрайверар қизча қаҳрига.

Атрофда боғ сулув, қишлоғи сулув,
Сойларга чўмилиб қуёш ўтади.
Қачон тамом бўлар биринчи юлув,
У ҳар кун соғиниб шуни кутади.

Бунча узоқ бўлди сен кутган шаҳар,
Чилвир сочларингдан айланай, синглим.
Эртакларда қолиб кетдимми шаҳар,
Тоқатингни кўриб бузилар кўнглим.

Таътил тугаб борар, қизни кучади,
Дала, яна ҳовли, унинг билгани.
Саҳар туриб ота йўлга тушади
Дафтар-қалам, форма олиб келгани.

ҲАМКУРСИМГА ДЕГАНИМ

Ўзим шунақаман, қораман бироз,
Ўнгайсиз аҳволга тушмайман лекин.
Қуёш сиздан кўра кўп севганидан
Менинг вужудимга сянгиган эркин.

Балки сизга айтсам эриш туюлар,
Қўлим тезак ешиб, кетмон тугади.
Бурнингиз жийриб боқманг тескари,
Яна қалам тутиб илҳом кутади.

Тандирда нонларим қизариб пишса,
Уфқдек қирмизи тортар юзларим.
Қанчалар завқлидир, дастурхонга мен
Иссиқ нон келтирсам порлаб кўзларим.

Қуёш қизиб кетар уйғоттунича
Сизни, ошпоққина билак эгаси.
Мен қандай чидаин кирини ювиб,
Кийимига дазмол босса знаси.

Меҳнат уйғотади яхши кайфият,
Меҳнатдан гул унар ўнгу сўлимда.
Ўқишим тугади. Қишлоққа кетгум
Сигинганча ушбу қора қўлимга.

УРГУТ

Тушимга мактабим кирибди бу тун,
Қошим орасига тушди бир тугун.
Унинг таъбирига ҳайронман, дилхун,
Бишлур ҳаволаринг соғиндим, УРГУТ.
Хасл кезиб юрар адирларингда,
Кўклам гулга доя ҳу, қирларингда,
Бойчечак болалар ўнгирларингда,
Саррин саболаринг соғиндим, УРГУТ.
Ёмғирларда ивиб кетгим келяпти,
Шамолларга чопиб етгим келяпти,
Бир чиройли қўшиқ битгим келяпти,
Ўлан, наволаринг соғиндим, УРГУТ.
Меҳрим тошиб чиқар қароқларимдан,
Мисралар тўкилар титроқларимдан,
Сен яна азиз бўл ардоқларимдан,
Кўм-кўк самоларинг соғиндим, УРГУТ!

ШОҲСАНАМГА

Ёмғир савалаган атиргул каби
Ийиб кетибсиз-ку Шоҳим, савамим.
Сочларини ёйиб нени изладинг,
Эй, осмон, тушунтир бу ҳол сабабин.

Сув ичган майсадек яшнаб, гуркираб
Бўйлари чўзилмиш бу киприкларнинг.
Қаттиқроқ тикилиб турсангиз бир зум,
Ўлдириб кўясиз биз тирикларни.

Шу ақиқ лабларга ўзини уриб
Ҳамон ҳаажонин босолмас ёмғир.
Борлигин унутиб боқадим фалак,
Кўзида томчи ёш айланар гир-гир.

Ҳасиббахш нигоҳлар, эгик қошларга
Дунёни берарди ҳофиз Шерозий.
Мен-ку гўзалликнинг битта шайдоси
Ва уни куйлашга розиман, рози.

* * *

*Ёш rassom Жўра АСРОНОВнинг
«Дала қизи» портретига чизгилар*

1. Ҳижрон ютиб сарғайган дарахт,
Менга ҳайрон-ҳайрон боқади.
Кўзларимга сиғмаган хаёл
Анҳорга кўшилиб оқади.

2. Далалар ҳақида куйлаган
Япроқлар сенинг-да шайдойинг.
Сочлари танига ёйилди
Ҳарир кўйлак кийган дарсенинг.

3. Киприклар — бир гала қушчалар
Учолмайди, қаноти синган.
Бундай қора кўзларга дала
Йигитининг сурати синган.

ДИЙДОР

Дийдор — кипригимга кўнган капалак,
Қарашлари майин, қаноти янглиғ.
Юзим лозордир, юрагим булбул,
Фигон тилимдан туш, кўзларимдан чиқ.

Ёниб кетаверсин кўнгилдаги ғам,
Кел, сени бағримга босайин, дийдор.
Бундайин неъматдан дийдаларим нам,
Юрагим булбулдир, юзим лозор.

МЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Оппоқ гуллар, оқ атиргуллар,
Ҳали юрак куйламаган куй.
Нафис барглар қатида яшар
Мен асраган ширингина ўй.

Нурдан либос кийгудек нозик,
Бўйин чўзиб қарар йўлларга.
Гоҳо япроқ қўлларин ёзиб
Тебранади унгу сўлларга.

Юрагимнинг шақлига ўлшар
Очилмаган атиргулларим,
Очила қол, оппоқ юзингдан
Бўса олсин қуёш нурлари.

Маҳкам қучсин қуёш қўллари,
Сен-чи, гулим, қиқир-қидир кул.
Август, ана қуёш томонга
Учиб борар нозик АТИРГУЛ.

ҲАРБИЙГА КУЗАТИШ

Шу тортинчоқ вужудимнинг севинчин олинг,
Қувончларим кўзларимда турибди гуллаб.
Миянг андиша, ҳас билан шеъримга солдим,
Уйғотайин боғларимни эркалаб, куйлаб.

Балки менга акадирсиз ё ука, ё дўст,
Ватанимга посбон бўлиб, этилиб дуржун.
Қишлоқ кўзин қувонтириб турибсиз ўктам,
Сизни десам гунчаларим очилар гулгун.

Эл бошига келса бало, қалқондирсиз Сиз,
Бизга яхши, душманларга ёмондирсиз Сиз.
Она каби жондек қўллаб судди халқим,
Момоларим тилагидан омондирсиз, Сиз.

Ишонч билан қўлингизга топширилди бахт,
Тинчлик қаро кўзларингиз гавҳари, билдим.
Саодатдан ҳам саботдан тилайдирман тахт,
Омон булинг, деб сингиллар тилагин битдим.

Куклам исли ҳидингизга тўлсин хонадон,
Давраларда салобатли бўйингиз кўрай.
Бу чеҳралар кўзимизга яқин, жонажон
Посбонларим, хаслингиз гулларга ўрай.

Қувончларим кўзларимда турибди гуллаб.

ҚҰРҚМАСМАН...

Құрқмасман, қушдан ажралса жақон,
Фалак ойсиз қолса чўчимам бир он.
Дақшатдан юрагим ёрилгусидир
Айру тушар бўлса тан билан имон.

Қуёш ёнмоқликни қилди ихтиёр,
Шеърга ошно юрак бўлар бахтга ёр.
Қаламни кўксимга босиб ўламан,
Оқибат дувёда бўлса барқарор.

БУ ОЛАМ ТЎЛА ИШҚ

Бу олам тўла ишқ, то бор садоқат
Ҳар тонг йўлларимга тўшалур қуёш.
Барглар қарсақ чалар бир хил маромда,
Яшил кўзларнда қалқиб севинч-ёш.

Ой кўкда артилган юмалоқ ойна,
Акс этар унда сув кўтарган малак.
Бизга, фақат бизга ишониб оқшом
Кўксига маржонлар тақадди фалак.

Хоналарга кирсин рухсатсиз қуёш,
Дарахт, қуйлаётган қуйинг тинмасин.
Безакларинг тушиб кетмасин, осмон,
Инсон, умид шаминг асло сўнмасин.

МОТАМСАРО ОНА ҲАЙКАЛИГА

Сен озор чекмагин, бошингни кўтар,
Шаҳидлар қабрида тикка турмасин.
Баҳор гўристонни гулларга ўрар,
Уларни бемаҳал совуқ ўрмасин.

Машаққатлар бука олмаган қаддинг,
Фарзандлар доғида дол бўлдимиз, дол?!
Кўксингда қабариб чиққан жойларни
Шамол силолмасдан шол бўлдимиз, шол?!

Арчага суяниб йиғлар сукуват,
Жимлилар айрилиқ созин чертарлар.
Мангу олов қалқиб ўрлар ҳавога
Гўё чиқиб келар ватанпарварлар.

Кокиллари ўсиб кетган мажнунтол
Оча олмай сўқир кўзин бўзлайди.
Онанинг қўлига айланиб шоклар
Ердан боласининг изин излайди.

МЕХҲР СҮРАЙМАН

Эланиб-эланиб меҳр сӯрайман,
Тиланиб-тиланиб меҳр сӯрайман.
Беринг, ҳовучимга тўлсени муҳаббат,
Кафтланиб-кафтланиб меҳр сӯрайман.

Юларимга босиб йиғлайин сени,
Бағримга-да қаттиқ босиб йиғласин.
Мен сени соғиниб кетгандим, МЕХҲР,
Оёғинга ботиб-ботиб йиғлайин.

Суяниб турмоққа топмадим сени,
Суяниб турмоққа топмадим сени.
Титилиб кетмоқда энди бу бағрим,
Қайдасан меҳржон, сотмовдим сени.

Сен онам кўзида кетиб экансан,
Сен Онам сўзида кетиб экансан.
Тилида, ўзида кетиб экансан,
Бағрида ербағр кетибсан, Меҳр.

Юрагимда қолган бир кафт меҳрни,
Онамерос бўлган садаф меҳрни
Боламнинг кўзига тақиб қўяйин,
Авайлаб кўксига тақиб қўяйин.

Кафтланиб-кафтланиб меҳр сӯрайман.

ТЎҚҚИЗИНЧИ СИНОФ БОЛАЛАРИГА

Навбаҳор қўлида очилган чечак,
Дуолар сўнгида сўралган тилак,
Бундан ортиқ яна нима ҳам керак,
Тўққизинчи синф болаларига.
Ҳақиқат сўрайди тийрак кўзлари,
Юлдуздан ёруғдир айтган сўзлари,
Саодатли узун йўллар кўзладим,
Тўққизинчи синф болаларига.
Қолмангиз ҳақсизлик йўллари аро,
Билимдан берингиз дилларга оро,
Худойим, қилмагин орзусин сароб,
Тўққизинчи синф болаларининг.
Орзунгиз юксалсин осмонлар каби,
Сизни қутлаш учун гул очар лабин.
Саодатли узун йўллар тиладим,
Тўққизинчи синф болаларига.
Ўзингиз энг аъло фарзандлар бўлиб,
Сизни кутаётир истиқлол кулиб,
Мен эсам шеър ёзай тўлиб ва тўлиб,
Тўққизинчи синф болаларига.

МЕН ЯШОВДИМ

Харсанг – тоғнинг танидаги нор,
 Ҳазон – боғнинг тўкилган ёши.
 Замиш ҳаҷонлардир узиб ташланган
 Ҳақиқатнинг юмалоқ боши.

Мен яшовдим эртақ ичида,
 Бўлди қайроқ, ойна, сирли тароғим.
 Муҳаббат, муҳаббат, сен эса бугун
 Юракдаги энг узун оғим.

БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ

Сени соғинардим,
 ҳазилкаш шамол,
 Ўйнаб ўпар эди
 гул шабнамини.
 Йиғлаб соғинардим
 сени гоҳида,
 Шамол артар эди кўзим намини.

Бугун қайтгим келди
 сенга, болалик,
 Ҳузурингга келдим,
 қабул эт мани.
 Устимга ёпингим
 келяпти жуда,
 Ўзим катта бўлган
 гулли кўрпани.

УСТОЗ ШОИРА ЗУЛФИЯГА

Чучмомолар чалди ажиб кўнғироқ,
Гулларнинг юзида субуҳий шабнам.
Юрагимнинг алвон далаларидан
Қизғалдоқ келтирдим Сизга, шоирам.

Мовий-мовий бўлди осмон кўзлари,
Ўриклар бош чайқаб тебранди ўктам.
Шу дамда, тозаринш нафасларида
Сизни ёд айладик бўлиб жамулжам.

Маҳзунлик кўнди сўз, юзларимизга,
Юракдан айқириб келди бир армон.
Нигоҳимни кўкка қадаган эдим
Парчаланиб кетди кузимда осмон.

ЭШИГИНГНИ ОЧ

Қошим билан сўйгани келдим,
Кўзим билан сўйгани келдим,
Мен жонимдан тўйгани келдим,
Эшигингни оч!

Оёғимда бошлар изи бор,
Қароғимда тошлар изи бор,
Ёноғимда ёшлар изи бор,
Эшигингни оч!

Дийдаларим сачратар вола,
Кўкларимга сиғмайди вола,
Чиқиб кўнглим олгин-сй, ола –
Эшигингни оч!

Кўзларимда парчаланар ой,
Кипригимда доира чалар ой,
Тўкилади дардларим, ҳумой,
Эшигингни оч!

Очилмаса кўнглинг дарчаси,
Сувга оқса нолам барчаси,
Бўсағанга қоқ ДИЛ парчасин,
Эшигингни оч!

НЕГА ҚАЙРИЛАСАН!

Юлдуз кўздан юлдуз ёшлар тўкилгай,
Бағримни тиндалаб ўтаркан фурсат.
Қайрилиб қарайсан, сен не учун, айт,
Энг мағрур саналган қадиар букилгай.

Типирчиладими кўксингдаги жон,
Танидими мени ул меҳрибон кўз.
Бутун умримни бахш этадиган сўз
Айтиларми ҳозир ё бўлар армон.

Киприкларинг тўси қуёш нурини,
Хуфтоя бўлар энди кўрган қувларим.
Дийдамдан қуйилар дардли қуйларим,
Шу ҳолда кўрарсан меҳринг қулини.

Кўзимда соғинчнинг чоки сўкилгай,
Нега қайриласан, менинг тештагим?
Ортиқ бузилмасян ором сендаги,
Юлдуз кўздан юлдуз ёшлар тўкилгай.

* * *

Қароғимда очилган гулни
Кўзларингиз териб олади.
Ҳеч кимсага улашилмаган
Соғинчингиз менда қолади.

Қийғоч қарош қули ўзингиз,
Соғинчларнинг менман гадоси.
Кипригимга мезонлар каби
Илашади йиллар садоси.

Бир парча ой — синиқ кўзгудан
Қарар ҳилол, керишган қоши.
Соғинч деган тухфангиз кўриб,
Осмонларнинг айланар боши.

ШОД КУЛИБ КИРАСАН...

Шод кулиб кирасан ҳовлимизга сен,
Сўнг мени сўрайсан кўзларинг билан.
«Ҳозиргина кетди», жавоб қилади
Хуш атир ҳидига тўлган хонадон.

Вужудинг отилар йўлакка ўқдек,
Гўски учасан қушга айланиб.
Етмоқчи бўласан, билмайсан, лекин
Мен сенинг кўксингда кетаётirman.
Дук-дук-дук...

СОЧИНГ ТЎЛҚИНИДА

Не истасам топдим мен сендан,
Юзинг - ой, сочинг - тун, лабинг - гул.
Сувдаги олмадек оқади
Сочинг тўлқинида бу кўнгиш.

Қароғинг юлдузлар осмони,
Сен кўшиқ, сен куйсан, ғазалсан.
Нимаки, нимаки бўлса ҳам,
Сен куздай гўзалсан, гўзалсан.

СЕНИ КЎРГИМ КЕЛЯПТИ

Гулларнинг бир тоза юзига қараб,
Шабнамлар ярашган кўзига қараб,
Таратган бўйича, ўзига қараб,
Кўргим келиб кетди, сени жуда ҳам.

Тиқилинч шаҳарда топмадим ошно,
Кенгликларга чиқиб кетдим, ҳувайдо,
Қароқларим садр тепар, вовайло,
Кўргим келяпти сени жуда ҳам.

Осмонни синдириб ташлар қалдироқ,
Даратлар қўлини босади титроқ.
Саволдай лопиллаб ёнади чироқ,
Кўргим келяпти сени жуда ҳам.

Неча минг кўз билан тўқнашди кўзим,
Қийсинг тополмай тўкилар бўзим,
Уямни кўзингга жойлаган ўзим,
Уямга термулиб тургим келяпти,
Мен сени жуда ҳам кўргим келяпти.

БУГУН...

Қўй, йиғлама, ёшимни тўкма,
Етар шунча тўккан ёшларим.
Энди гулдай очилиб юрай,
Осмонларга етсин бошларим.

Ғуссаларни унутгим келди
Ва ғамларнинг барча-барчасин.
Юзларимни кўрсатай ойга,
Ҳамда тўлган кўнгил парчасин.

Мен лоақал, лоақал бир кун
Шод юракни кўтариб юрай.
Ўзгаларнинг эмас, ўзимнинг
Кўзларимга кулиб термулай.

Билсанг эди, оҳ, қанчалар мен,
Бу кунларни соғинганимни.
Бугун қаттиқ сева оламан,
Дўстим тугул ҳатто ғанимни.



Сени соғинаман, сени эслайман
Кўзларимдан учиб соғинч қушлари.
Бирам кўргим келар ишонсанг агар,
Ҳатто азобларинг кўнглим хушлари.

Хазондек тўкилиб борар юрагим,
Хазондек тентийман кўчаларингда.
Боғим, мен куйлаган маҳзун қўшиқнинг
Сўзи учиб борар барги лабингда.

Қарайман осмон кўк, осмон тип-тиниқ
Ложувардлик дилга солади соғинч.
Сенсиз сувлар куйлар паст пардаларда,
Боғлар бунча сокин, боғлар бунча тинч.

Бугун юрагимда ишқнинг дарёси,
Соғинчинг кузимга ёзар эсдалик.
Кўнглимга ҳеч нарса бермайди таскин,
Сени эслаб босган хазонларчалик.

Нега қонлар ютиб уйғонади тонг,
Боғда нималардан ёниб кетди куз.
Нега гул юзида ёшларни кўриб,
Қувончдан тўкилган шабнамлар деймиз.

Тасалли берамиз, баҳорда деймиз,
Ўзанига сиғмай тошганда сойлар.
Биз шундайин жонмиз ҳамма нарсадан
Яхшилиқ ахтариб яшаймиз ойлар.

Тун ҳам бир исёндир ночор рўзгорга,
Ухлатар бардошга бермоқ учун куч.
Синсанг бўлмайдими муздай қисрлаб,
Қаламим, ўттиз йил ёзганларинг пуч.

Ҳамон ҳар баҳорда тошаверар сой,
Кўзи ойна бўлиб қарар маҳзунлар.
Эй, умрим узун деб ўйлаган баяда,
Нега қонлар ютиб чиқади кунлар

Ўйлаганмисан?

УРГУТДАН ЙИРОҒЛАРДА

Ургутнинг тупроғини,
Булбулини, зоғини,
Ойнинг учида турган
Юлдузи титроғини,
Соғиндим, опа.

Минг йиллик чинорини,
Тикланган минорини,
Қизларининг ҳаёси,
Йигитларин орини
Кўзим устига қўйдим.

Чашмалари, сувлари
Тоғдаги сурувлари,
Ҳамон қабоғимдадир.
Мусича юрувлари,
Азиздир менга.

Бормасам эзилади —
Юрагим узилади.
Кўрмасам дийдорини —
Бу кўнглим бузилади,
Яширолмайман.

Товушим стармикан,
Саболар элтармикан.
Ургутнинг ҳаёллари,
Ҳаёлдан кетармикан
Токи қиёмат.

Кўз таниш инсонларим,
Азиз, меҳрибонларим.
Шу табаррук тупроғда
Ҳам устозу жонларим
Қандоқ унутаё?

Фарзандим-чироғларим
Шу жойнинг гулбоғлари.
Улар билан арияй
Бу кўнгилининг доғлари
Худо хоҳласа.

Ургутнинг тупроғлари
Шувоғи, япроғлари,
Меҳинг севгилим зрур
Гуллари, янтоғлари.
Кўргим келади.

Бағрига отилмадим,
Соғинчим босилмади.
Ургутдан йироғларда
Гулдайин очилмадим,
Онажон, она!

ҚУРБОНИНГ КЕТАЙ

Эй, висоли йироғим менинг,
Кел, соғинчим-сиримни очай.
Бошингдан-ку ўргулолмадим,
Энди висолингдан айланай.

Сенсиз яшаб яшаб кетмадим,
Сенсиз ўлиб ўлмадим, нетай.
Ҳар иккиси учун ҳам бугун,
Бир бор келсанг нетар, айланай?

Соғинтирдинг, ешимни тўқдинг,
Юрагимни чалдинг мисли най.
Юрагингни аяма сен ҳам,
Юрагингдан айланай.

Соғинчларни куйпайман дедим,
Ҳали қошу қабоғинг кўрмай.
Юзинг, кўзинг, лабинг, дудоғинг
Келсанг, келишингдан айланай.

Бу суймаклик етмасму сенга,
Бу куймаклик озми, ўргулай.
Бир келмакка етмаса улар,
Энди ўзим қошингга борай,
Қурбонинг кетай.

СҮРОВ

Фироқ нималигин биласанми ҳеч,
Бировнинг ҳажрида ўртанганмисан.
Ёки дилни кўзинг чўғига босиб,
Шундан ҳузур қилиб ўрганганмисан.

Ёки мени шоир қилгинг келдими,
Юракни кумридай қуйлатдинг эй, дил.
Беморларинг ичра ҳушёрни эдим,
Мени ҳам ўйлатдинг, ўйлатдинг эй, дил.

Эй, сўзлари ёлғон, юрагим илон
Кунларимни босиб кетди ғамларинг.
Ғунча лабларингда гуллади ёлғон,
Йўлингга қаратиб кўзим намладинг.

Энди мен ўзимда йўқман, ўзимда
Кўргали боряпман қаро кўзингни.
Бир кун йўқлаб келсанг сен ҳам мабодо,
Ўзингни топасан мендан ўзингни.

Ҳаёт бор, севги бор, дилоромлар бор,
Суйиш, ишқ дегани шундақа бўлар.
Ошиқлар бормаса, Лайлолар келиб
Пойида сарғайиб гулдақа сўлар.

Фироқ нима ўзи, биласанми, айт?

КҮНГИЛ УЧУН

Бўйимга бўйгумор бўлмоқ бўлдинг сен,
Юрай десам йўлга сўқмоқ бўлдинг сен.
Юзга ойна, сочга тароқ бўлдинг сен,
Аmmo кўнглимга бир қараб қўймадинг.

Чиройлисан, дединг кўзимга қараб,
Чин ойлисан, дединг юзимга қараб.
Энг сўнгги чақамдек кунимга яраб —
Турдингу кўнглимга қараб қўймадинг.

Сен менинг йиртилган пайпоғимгамас,
Ўйнаб-ўйнаб юрган шўх чоғимгамас,
Чўкканимда келгин, чўнг тоғимгамас,
Мянга қуроқ бўлган юрагимга боқ.

Кўнглимга бир бора қараб қўйсайдинг,
Келиб кўзларимга қараб тўйсайдинг.
Киприklarинг билан бағрим ўйсайдинг,
Дунёда энг бахтли аёл бўлардим.

Кўнглимга бир бора қараб қўйсайдинг.

ИЗЛАЙМАН

Кўзларингни қароғига тўлдим лим-лим,
Ҳижронларда минг тирилиб минг бор ўлдим.
Дунёларнинг қўлларида гулдек сўлдим,
Мен бир гўзал баҳорларни излайман.

Қушлар қайтди уясига бир чуғурлаб,
Ишончимни кетди каслар гоҳ ўғирлаб.
Чак-чак томган сабрларга мен тутиб лаб,
Бардошимдан наҳорларни излайман.

Ёнимдаги дўстга баъзан етмас қўлим,
Нажот истаб гоҳ нокасга тушди йўлим.
Рози эдим бундан кўра келса ўлим,
Дард айтгали анҳорларни излайман.

Шу кичкина кўксимга гоҳ етмас ҳаво,
Она, ширин сўзинг экан дардга даво.
Энди сени қайдан топай, жон энамо,
Изинг қолган саҳарларни излайман.

Етар, дилим кўпам чекма андуҳларни,
Кулинг билан ёпма кўздаги чўғларни.
Шеърим олсин кўксингдаги дард, тигларни,
Дардга малҳам ашъорларни излайман.

Ёруғ кунлар хаёлимдан ўтиб бир-бир,
Кўзларимдан қуйилади аччиқ ёмғир.
Билмам энди нени раво кўрар тақдир
Сўлим баҳор, гулёрларни излайман.

ЖУМБОҚ

Осмонларга учгим келар осмонларга,
Кетсам, дейман кўнглив бутун, омонларга.
Худо ўзи жазо берсин ёмонларга,
Ярим кўнглим сиғмади бу дунёсига.

Титраб турган япроқ билан тиллашдим мен,
Чопиб юрган шамол билан беллашдим мен.
Бўйим ўсиб булут билан тенглашдим мен,
Тил топгани қўйишмади дунёсига.

Борган эдим бағрин очди гулзорларим,
Қанотида олиб учди тулпорларим,
Аmmo инсон нега дилни бсморлади,
Ҳайрон қолдим, ақлим етмай дунёсига.

Ё мен улар қавмига бир эмасдирман,
Ошаб турган ошидан ҳеч эмасдирман.
Чорлаганда югургилаб келмасдирман,
Бегонаман ҳаргиз улар дунёсига.

Қўй, куйинма, кўнглим, ўзим билан қолгин,
Йиғлаб айтган сўзларимга қулоқ солгин.
Сўнг яхшилаб, хўп яхшилаб ўйлаб олгин,
Нима учун сиғмадик бу дунёсига.

КЎЗЛАР КУЙЛАШУВИ

1

Ёридан айрилган ошиқ ҳоли танг, дили хуфтон, маҳбубасини бир кўрарга зор бўлиб, азим шаҳарда юриб, узун соч, қора қош, юзи оқ, дямоғи чоғ, жуфт эмас тоқ қизга кўзи тушиб, бошидан ҳуши учиб, унинг ўз ёрига ўхшаганидан қувониб, дийдалари ёшланди. Унга термулиб кўзлари шундай кўшиқ бошлади:

*Қараб қолдим, гуноҳимни кечиргил,
Оғунг бўлса, майли келиб ичиргил,
Жон Зухрожон, дунё тургунча тургил,
Кетар бўлсам қолмас энди армоним.*

*Кўзинг ўхшар Ёрнинг қора кўзига,
Фидодирман унинг шакар сўзига.
Мен етмадим, оҳим етса ўзига,
Зора равшан тортса кўнглим — жаҳоним.*

*Бўйларини бир кўрарга зор эдим,
Ишқида мен бағри лоззор эдим,
Не дард келса, ўзим гирифтор эдим,
Ёрим бўлди қўлим етмас осмоним.*

*Сени кўриб тизда дармон қолмади,
Фотима ёр бизга назар солмади,
Ошиқ дилим ўзга илтиж олмади,
Бир бор гуллаб ўтар умрим — бўстоним.*

*Шаҳарингдан йиглаб-йиглаб қайтарман,
Дардим кўзда нолам билан айтарман.
Ёри жоним, энди сениз қайтаман,
Маржон бўлди кўздан оққан достоним.*

Ошиқ шу кўшиқни куйлаб, ёрсиз ўтар умрини ўйлаб, Самарқандга қайтди.

Ошиқнинг кўнгли тўлмай, ҳеч нарса билан иши бўлмади юрган кунлари. Унинг саксонга кириб мункиллаб қолган, соқоли селкиллаб қолган отаси бор эди. Бир кун Ота ўғлига: Яхши йигит

тоқ ўтмас, ёмондан боғ қолмас, кел, кўзим тириклигида тўйингни кўрай, неvara суяй, кўнглингдагини айт, деб турган жойи:

*Ёз чоғда ҳам Ургут тоғи қорли бўлар,
Йиғитлари сўздан қайтмас, орли бўлар,
Ўз аҳдида собит киши ёрли бўлар,
Жоним болам, кўнглингдагини айта қолгин.*

*Цилим армон ёмғиридан нураб борар,
Қуёш тоғни кечки нурга ўраб борар,
Дунё эмас, эшикка қиз сўраб борар,
Жоним болам, кўнглингдагини айта қолгин.*

*Мен ҳам қўйини қизига тўй солай дерман,
Неварамни ўз қўлимга олай дерман,
Майли, сўнгра сўнг манзилга борай дерман,
Жоним болам, кўнглингдагини айта қолгин.*

*Кетсам ортда қатор-қатор нор қолади,
Чўққиларда муздек қотиб қор қолади,
Йўқдан нима кутасан сен, бор қолади,
Жоним болам, кўнглингдагини айта қолгин.*

Бу гапларни эшитган ошиқнинг юзлари қизарди, сўз демади. Отасининг илтижоли термулиб турганини кўриб, раҳми келиб: «Ота, рухсат бер, бориб Зухро ёрни кўрай, ҳолини сўрай, кўнса эргашиб келай», деб ота розилигини олиб йўлга тушди. Йўл юрди, кўп юрди. Тонгда Ёр кўчасига кириб келди. Зухронинг бошида рўмоли, ёрда хаёли, секингина эшик олдини супураётган экан. Ошиқнинг келганини билмай қолди. От кишнагач, бошини кўтариб қаради. КўЗлар учрашди. Унсиз куйлашди. Қиз сезгир экан, дарров ошиқ кўнглидагини англаб, «Яхши қиз ўз элидан ортмас», дея шуларни сўзлаяпти:

*Қалбни сўроқ туттиши ёмон,
Цил ярасин биттиши ёмон,
Ишқ юракдан ўттиши ёмон,
Келма, келсанг кеттишиг ёмон.*

Умри қаро тунларим ўтар,
Қўл ушлашиб кунларим ўтар,
Кўкси ёниб кузларим ўтар,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Пешонангга қош бўлгум, дер ой,
Ўзингдаги ёш бўлгум, дер ой,
Ёлғизликда тош бўлгум, дер ой,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Менинг учун осмон йиғласин,
Кўнгли бутун, омон йиғласин,
Йиғласа ҳам ёмон йиғласин,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Мен йиғласам тоғинг нурайди,
Дош беролмай боринг нурайди,
Бемор надур, соғинг нурайди,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Тилаганим бахт сеники, Ёр,
Кўзим тўри — тахт, сеники, Ёр,
Журъат билан шахд сеники, Ёр,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Ёринг сочи ичра адашгин,
Қалин қоши ичра адашгин,
Ургул тоши ичра адашгин,
Келма, келсанг кетишинг ёмон.

Қиз шуларни айтиб, ошиқнинг тез-тез келиб-кешиб юрганидан, дили унга боғланиб қолганмикан, боши ҳам бўлиб, киприги нам бўлиб, умид деган шам сўниб, секингина даричасини ёпди. Ошиқнинг аҳволи не кечганини билмайман. Қолганини билганлар, кўрганлар айтсин.

Икки ошиқнинг ҳаёт қўшиғини айтиш яна ўзимга буюрибди.

Кунлар ўтаверди. Ҳижрон ўсаверди. Ошиқ барибир ошиқ экан-да, Зухро ёрни кўргиси келди. Тағин Ёр кўчага елди. Қишлоқда пода тўпланадиган майдон бор эди. Қиз кўй-қўзиларини ўша майдон томон қуш-сй қуш, деб ҳайдаётди. Ошиқ отда келаётди. У пайтлар йигитлар отда юрар экан-да, туёқ товушини эшитган қизларнинг юраги тез-тез ураётди. Йўл кесишган жойда Кўзлар тўқнашиб олди. Бир-бирига узоқ термулиб қолди, булбуллар, яроқлар, шамолу толлар куйлай-куйлай толди. Улар ҳамон жим куйлаётди:

Қиз: *Юлдузлар, бағрига отилинг менинг,
Кўзларимга чўкиб кетинг, оқшомлар.
Бунчалар термулиб қолдингиз нега,
Кўзларингиз тилар қандай инъомлар?*

Йигит: *Пойимда тўлғониб йиғлайди Даргом,
Кўнглим каби хира тортади ҳар шом.
Нималарни сўраб турибсиз, дейсан,
Ошиқ тилаш мумкин қандайин инъом?*

Қиз: *Кўзларки, аллалаб тунни ухлатар,
Қошларгача ўсиб борган кичриклар.
Қарашларга бардош беролмам энди,
Қандай тинч юради биздек тириклар.*

Йигит: *Кундузлар сеники, ойлар меники,
Тунлар ором билмас сойлар меники,
Тоғларидек мағрур ўсган қизгина,
Ёр-ёрлар сеники, тўйлар меники.*

Қиз: *Шаршарага ювиб ўрилган сочим,
Тўлғонса тўлғониб тонглар уйғонар,
Сунбулада тушган барглар шаклидек
Кўзларингиз яна не тилаб ёнар?*

*Йузит: Бевафо дунёда вафони сўраб,
Кўзлар термулади, улар ишқ талаб.
Сен менга бир кулиб, жонимни сўра,
Сендан ошиқликни қоламан тилаб.*

Қиз тоғ райҳонидек титраб, киприклари пирпираб, Ошиққа
бир кулиб қараб уйига кирди.

МУНДАРИЖА

О. Ҳожиева. Меҳр гулдастаси	3
Озодлик	4
Менинг бахтим	5
Ватан	5
Кўзларингни тилаб	6
Хушxabар	7
Суйганим, суйдирганим	8
Тонгга қасида	9
Самарқанд	9
Илон қиз	10
Гуллар шивирн	10
Қуёш кучар она заминни	11
Боғ кезаман	11
«Ғужум-ғужум дарахтнинг...»	12
Баҳорга чизги	12
Висол ва баҳор	13
Баҳор келди йўқлаб... ..	13
Қизғалдоққинам	14
Умидворлик	15
Нега куйламай	16
Ёруғ кунни кутиб... ..	16
Бир қиз келаяпти	17
Кузак оҳангида... ..	17
Шамол гўё	18
Айрилиқ ўткир тиф... ..	18
«Узун йўл, дарахтлар — олтин соч аёл...»	19
«Сиздан ўрганаймн, сабр-бардошни...»	19
«Ишимни тугатдим охиригача...»	20
Юрагим – дутор	21
Фасли баҳор... ..	22
Соғинч	23
Меҳр исёни	26
Сизни соғинганда	27
Қишлоғимга	27
Тугамаган кўшиқ	28
Сабримнинг косаси... ..	28

Армон	29
Ҳамкурсимга деганим	30
Ургут	31
Шоҳсанамга	32
«Ҳяжрон ютиб сарғайган дарахт...»	33
Дийдор	33
Мен туғилган кун	34
Ҳарбийга кузатиш	35
Қўрқмасман...	36
Бу олам тўла ишқ	36
Мотамсаро она ҳайкалига	37
Меҳр сўрайман	38
Тўққизинчи синф болаларига	39
Мен яшовдим	40
Болаликни соғиниб	40
Устоз шоира Зулфияга	41
Эшигингни оч	42
Нега қайриласан!	43
«Қароғимда очилган гулни...»	44
Шод кулиб кирасан...	45
Сочинг тўлқинида	45
Сени кўргим келяпти	46
Бугун...	47
«Сени соғинаман, сени эслайман...»	48
«Нега қонлар ютиб уйғонади тонг...»	49
Ургутдан йироғларда	50
Қурбонинг кетай	52
Сўров	53
Кўнгил учун	54
Излайман	55
Жумбоқ	56
Кўзлар куйлашуви	57

Адабий-бадший нашр

ДИЛОРОМ ИСМОИЛОВА

РАЙҲОН ИСЛИ КУНЛАР
шеърлар

Муҳаррир *А.Қутбиддин*

Рассом *Б.Бозоров*

Тех-муҳаррир *Е.Демченко*

Мусадҳих *Н.Минаҳмедова*

Компьютерда саҳифаловчи *Н.Раҳимов*

ИБ № 4083

Босишга 10.10.2005 рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 2,0. Шартли босма тобоғи 3.36 Адади 1000
Буюртма № 212

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

7000113 Тошкент, Чилонзор, 8. Қатортол кўчаси 60.